

УДК:633.88

## МИНЕРАЛ ҮГИТЛАРНИНГ ДОРИВОР ВА БҮЁКЛИ INDIGOFERA TINCTORIA L ҮСИМЛИГИНИНГ ЁН ШОХЛАРИ ХОСИЛ БҮЛИШИГА ТАЪСИРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7842962>

**Аясов Ҳушбек Ғайбуллаевич**

Доривор үсимиликлар кафедраси ассистенти, Тошкент давлат аграр университети;

**Ахмедов Эгамёр**

Доривор үсимиликлар кафедраси доценти  
Тошкент давлат аграр университети;

**Норбеков Асадбек**

Тошкент давлат аграр университети талабаси.

Тел: +99890-001-07-37. email: [ayasovxushbek70@gmail.com](mailto:ayasovxushbek70@gmail.com)

### **Аннотация.**

Ушбу мақолада доривор ва бүёкли *Indigofera tinctoria* L. үсимилигининг дала шароитида ён шохлар ҳосил бўлишига минерал үгитларни таъсирига доир маълумотлар келтириб ўтилган. Тошкент вилояти Қўйичиричиқ тумани "TST Cluster" кўп тармоқли кластер дала майдонида олиб борилган илмий тадқиқотга асосланиб *Indigofera tinctoria* L. үсимилигининг ён шохлар ҳосил бўлишига, минерал үгитлар қўлланилмаган назорат вариантда үсимиликнинг ўсиши ва ривожланиши якунлаган авгууст ойининг иккинчи декадаларида битта модел үсимиликда 19.1 донани ташкил этди, минерал үгитлар N90P60K40 меъёрда қўлланилган 4-вариантда эса ён шохлар сони 31.2 донани ташкил этди. Ушбу вариантда назорат вариантга нисбатан, үсимиликнинг ўсиши ва ривожланиши бир баробарга юқори бўлгани кузатилди, натижада тажриба вариантлари орасидаги тафовут қўлланилган минерал үгитлар таъсирида сезиларли даражада ўзгарғанлиги аниқланди.

### **Калит сўзлар.**

*Indigofera tinctoria* L, дала шароити, агротехника, ён шохлар, доривор ва бўёкли, кластер, минерал үгит.

## ВЛИЯНИЕ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА ПРОДУКЦИЮ ПОБОЧНЫХ ВЕТВЕЙ ЛЕКАРСТВЕННО-КРАСИЛЬНОГО РАСТЕНИЯ INDIGOFERA TINCTORIA L

**Аясов Хушбек Гайбуллаевич**

*ассистент кафедры лекарственных растений Ташкентский государственный аграрный университет;*

**Ахмедов Эгамёр**

*доцент кафедры лекарственных растений Ташкентский государственный аграрный университет;*

**Норбеков Асадбек**

*студент Ташкентский государственный аграрный университет*

### **Аннотация.**

В данной статье представлены сведения о влиянии минеральных удобрений на формирование боковых ветвей лекарственного и красильного растения *Indigofera tinctoria* L. в полевых условиях. На основании научных исследований, проведенных в полевых условиях многотрофильного кластера «ТСТ Кластер» Куйичирчикского района Ташкентской области, формирование боковых ветвей растения *Indigofera tinctoria* L. в контролльном варианте без внесения минеральных удобрений, рост и развитие растения во второй декаде августа, когда растение было завершено, составило 19,1 шт. в одном образцовом растении, минеральном и в 4-м варианте, где в норме применялись удобрения N90; P60; K40, количество боковых ветвей составило 31,2. куски. По сравнению с контрольным вариантом рост и развитие растения в этом варианте были в два раза выше, в результате чего было установлено, что разница между опытными вариантами существенно менялась под влиянием внесенных минеральных удобрений.

### **Ключевые слова.**

*Indigofera tinctoria* L, полевые условия, агротехника, боковые ветви, лекарственные и красящие, гроздь, минеральное удобрение.

## EFFECT OF MINERAL FERTILIZERS ON SIDE BRANCH YIELD OF MEDICINAL AND DYEING PLANT INDIGOFERA TINCTORIA L.

**Ayasov Khushbek Gaibullaevich**

*Teaching Assistant of the Department of Medicinal Plants, Tashkent State Agrarian University;*

---

**Akhmedov Egamyor**

*Associate Professor of the Department of Medicinal Plants, Tashkent State Agrarian University;*

**Norbekov Asadbek**

the student of Tashkent State Agrarian University.

### **Abstract.**

*In this article, information on the effect of mineral fertilizers on the formation of lateral branches of the medicinal and dyeing plant Indigofera tinctoria L. in field conditions is presented. Based on the scientific research conducted in the field by the multidisciplinary cluster "TST Cluster" in Kuyichirchik district, Tashkent region, the formation of side branches of the Indigofera tinctoria L plant in the control variant, where mineral fertilizers were not applied, and the growth and development of the plant in the second decade of August, when the plant was completed, amounted to 19.1 units in one model plant for mineral fertilizers, and in the 4th option, where fertilizers N90; P60; K40 were used in the norm, the number of side branches was 31.2 in the plant. Compared to the control option, the growth and development of the plant were observed to be twice as high in this option, and as a result, it was found that the difference between the experimental options changed significantly under the influence of applied mineral fertilizers.*

### **Key words.**

*Indigofera tinctoria L., field conditions, agrotechnics, side branches, medicinal and dye, cluster, mineral fertilizer.*

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966 сонли қарорининг 7 иловаси 23 бандида Иқлим ўзгаришини хисобга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида ёввойи ҳолида тарқалган доривор ўсимликларни химоя қилиш ва маданийлаштирилган доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш ҳамда уларнинг майдонларини кенгайтириш бўйича илмий-амалий лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида"ги [1], 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ 4670 - сон "Ёввойи ҳолда ўсуви чоралаштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги [2], 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ 4901- сон "Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора тадбирлар тўғрисида"ги[3], 2022 йил 20 майдаги ПҚ 251- сон "Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг

фойдаланишни ташкил этиш чора - тадбирлари тұғрисида"ғи[4], қарорларида 2022-2026 йилларгача 36000 гектар Коралпоғистон Республикаси ва вилоятлар үрмөн фонди ерларида истиқболли доривор үсимликлар плантацияларини барпо этишнинг мақсадли күрсаткичлари,доривор үсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлашни кенгайтириш ҳамда ахоли үртасида ундан фойдаланишни тарғиб қилиш каби муҳим масалалар келтириб үтилган бўлиб мазкур соҳага доир бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу олиб борилаётган илмиий тадқиқот ишлари муайян даражада хизмат қиласи.

Хозирги пайта Ўзбекистонни турли минтақаларида анъанавий ва ноанъанавий доривор үсимликларни маданий ҳолда қўпайтириш ва плантацияларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хозирги замон талаби кўп қиррали ҳам доривор (артишок, индигофера ва бошқалар) [7], зиравор, бўёқдор (индигофера, хина), техник үсимликларни етиштириш ва уларни хом-ашё баъзасини яратишни тақоза этмоқда [8]. Республикамиз шароитида олиб борилган илмий тадқиқот ишларида бўёқли индигофера үсимлиги устида бир қанча олимлари Ёқубов.Ф.Қ. [9] деградацияга учраган тупроқларда етиштиришни агроэкологик ва биотехнологик хусусиятларини, Аясов X.F. [6] ва бошқалар индигофера үсимлигининг уруғларининг унувчанлигини лобаротория (83,7 %) ва дала шароитида (80-83 %) ўрганиб қайд этганлар [5].

Ушбу олиб борилган илмий тадқиқотда истиқболли ноанъанавий доривор ва бўёқли турлардан бири *Indigofera tinctoria L* үсимлиги дукқақдошлар (Fabaceae) оиласига мансуб бир йиллик кичик бута бўлиб, унинг 700 га яқин турлари мавжуд. *Indigofera tinctoria L* үсимлигининг қўпчилик тури тропик минтақада кенг тарқалган бўлиб, асосан буталар ва айрим турларигина бўёқ берувчи хусусиятга эга эканлиги билан бошқа турларидан ажralиб туради. Илдизи ўқ илдиз, ранги қўнғир, ер остига 0,3-0,4 м чуқурликгача ўсади. Илдизидаги туганак бактериялар битта үсимлик тупида 40-80 донагача бўлиб, катталиги үртacha 0,7-1,0 см келади. Үсимлик бўйи үртacha 0,8-2 метр, поясининг ранги оч яшил рангда, майда туклар билан қопланган, бу тукларда реппелентлар мавжуд бўлиб, улар үсимликни айрим зараркунанда ҳашпоратлардан химоя қиласи. Барглари пояда навбатма-навбат жойлашади, шакли ярим овалсимон оддий ва мураккаб баргдан иборат. Гулкосачаси қўнғироқсимон, икки жинсли. Меваси дуккак бўлиб, қуруқ

қўнғир рангда, хар бир дуккакнинг узунлиги 0,5-1,2 см ни ташкил қиласди. Табиатда индигофера туркуми вакиллари Химолойда учрайди, Дастлаб индигофера ўсимлиги Ҳиндистон ва Хитой халқларида кенг маълум бўлган. Кейинчалик Дания, Египт, Рим ва Греция халқ табобатида кенг қўлланилган.

*Indigofera tinctoria L* Республигамиз қишлоқ хўжалиги тизимида қимматли хом ашиё берадиган ва экспорт потенцияли юқори бўлган тур саналади ҳамда қишлоқ хўжалигида емирилган ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, шунингдек, полиз экинлари, мева дараҳтлари, чой ва қаҳва плантациялари ҳамда узум боғлари ва шу кабилар учун “азотга бой ўғит” сифатида фойдаланса бўлади. Бундан ташқари Осиё ва Европанинг текстиль саноатида жун, ишак ва пахтачилик маҳсулотларини бўяш учун қимматбаҳо табиий бўёқ моддаси индиго (кўк рангдан тўқ қизил рангтacha) манбай сифатида фойдаланилади. Тибет ва Ҳиндистон ва Хитой давлатларининг халқ табобатида ҳамда фармацевтика саноатида қимматбаҳо антибактериал ва замбуруғга қарши восита бўлиб [5], шифобаҳш гиёҳ, эпилепсия, тери яраси, жигар токсикозида дори-дармон сифатида, антидепрессант ва ҳаттоки саратоннинг баъзи турларига қарши дори ишлаб чиқаришда хомашё сифатида кенг фойдаланиладиган ўсимлик тури хисобланади [6].

**Тадқиқот обьекти ва услублари:** Тадқиқотнинг илмий обьекти сифатида ноанъанавий доривор ва бўёқли *Indigofera tinctoria L* ўсимлиги танлаб олиниб, Тошкент вилояти Куйичирчик тумани дала майдонида мазкур ўсимликнинг уруг унувчанлиги, ўсиши ва ривожланиши, биоэкологик хусусиятлари ва етиштириш агротехнологиясига доир маълумотлар атрофлича ўрганилди. Тадқиқотда умумий қабул қилинган услублардан фойдаланилди [8]. Минерал ўғитлар эса турли вариантларда, вариант

1-ўғитсиз, вариант 2-N30;P60;K40 кг/га, вариант 3-N60;P60;K40 кг/га, вариант 4-N90;P60;K40 кг/га ўғитлар микдори соф ҳолда қўлланилиб ўсимликнинг дала шароитида ён шохлар ҳосил бўлиш жараёни 4 та вариант 3 та қайтарикда фенологик кузатув ишлари олиб борилди [9]. (1-расм)



**1-расм. Тажриба майдонидаги *Indigofera tinctoria L* ўсимлигининг фенологик кузатувлар олиб бориш жараёнидан фото лавхалар.**

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Олиб борилган илмий тадқиқотда ўсимликни ён шохлар ҳосил қилишига тупроққа ишлов бериш усууллари ва минерал ўғитларнинг таъсирида аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди.

*Indigofera tinctoria L* ўсимлиги июнь ва июль,август ойларида жадал суратларда ўсиб ривожланади, шу билан биргаликда ён шохларининг ҳосил бўлиши давом этади. Бу даврда ўсимлик гуллари чангланиб, дуккак туғиш жараёни жадаллашади. Кейинчалик эса, ўсимликнинг ўсиши секинлашади ва ривожланиш даврининг охиригача давом этади. Ўсимлик бўйининг баландлиги ривожланиш даврлари охирига бориб, ўртacha 125-130 см гача этади. Бу ўсимликнинг авлодлари бутасимон бўлганлиги сабабли асосий поянинг пастки қисмида ён шохлар ўсиб ривожланади. Бу ён шохлар ўсимлик бош поясида узун барг бандлари пайдо бўлгандан кейин ҳосил бўлиб, барг банди қўлтиғидан жойлашган бўлади. Дастлабки ушбу ён шохлар бош пояга тенглашгунча ўсишда давом этади ва уларда ҳам уруғ дуккаклар пайдо бўлади. Бу давр июль ойининг бошларига тўғри келади. Ҳар бир тупда ўртacha 15 -20 тагача ён шохлар пайдо бўлади. Ён шохлар ҳосил бўлишининг характерли томони шундаки, асосий поядаги ён шохлар дастлаб ўсимлик тупининг пастки уруғ палла барг ўрнида тўпланади ва кейинчалик юқори қисмга томон аста-секин кичик шохчалар пайдо бўла бошлайди. Бу жараён

август ойининг охиригача давом этади. Дастребаки пайдо бўлган ён шохлар бош поя бўйи билан тенглашади, хатто айрим ҳолларда ундан ҳам баландга ўсиши мумкин. Бундай ён шохлардаги баргларнинг катталиги асосий поядаги барглар билан тенг бўлади. *Indigofera tinctoria L* ўсимлиги юқорида таъкидлаганимиздек, хаётий шаклига кўра бир йиллик бутасимон ўсимлик бўлганлиги сабабли, ўсимликда шохчаларининг пайдо бўлиши ва шохланишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Буларни ўрганиш учун ўсимлик тупида ён шохлар пайдо бўлиш муддатлари, сони ва шакланиш, жараёнлари кузатиб борилди. Кузатувлар шуни кўрсатадики, ўсимлик тупида ён шохлар пайдо бўлиши унинг асосий поясининг ўсиши жадаллашган давридан бошланади. Майсалар униб чиққандан 15-20 кун ўтгандан кейин, яъни, июнь ойи ўрталарида ва июль ойининг бошларида ён шохлар ўсиб чиқади. Ён шохлар ўсимликни дастребаки ўсув давридан бошланиб бутун ўсув давригача, яъни, сентябрь ойининг биринчи декадаларигача давом этади. Ён шохларидан эса кичик ён шохчалар ҳам ҳосил қиласи, бу шохчалар кичик ва нимжон бўлиб, Индигофера ўсимлигига барг биомассасини ҳосил қиласи. Аммо, асосий поя ва ён шохчаларидан ҳосил бўлган баргларидан катталиги кичик бўлади. Ўсимликнинг асосий ва ён пояларида амал даврини бошларида оддий барглар бўлади, лекин ўсув даврининг охирида тўкилиб кетади. Бу оддий барглар мураккаб баргларга қараганда деярли икки баравар катта бўлади. Ён шохларининг яна бир хусусияти, агар бир п/м да ўсимликнинг кўчат сони кўп бўлса ён шохлари кам ҳосил бўлиб, асосий поянинг бўйи баланд бўлади, кўчат сони кам бўлса ён шохлар сони кўп бўлади.


### **1-жадвал**

**Минерал ўғитларнинг *Indigofera tinctoria L* ўсимлигининг ён шохлар ҳосил бўлишига таъсири, донада (2022й.)**

Вариантлар №	Минерал ўғитлар меъёри кг/га	Ён шохлар сони донада, ва кузатувлар олиб борилган съналар.					
		1.06	15.06	1. 07	15.07	1.08	15.08
1.	Назорат	2.2	5,2	9.1	12	16.2	19.1
2.	N30;P60;K40.	3.2	6.3	11.2	15.2	19.3	22.2
3.	N60;P60;K40.	4.4	8	14.3	18.4	23.2	26.3

4.	N90;P60;K40.	6	11	18.2	23	28.2	31.2
----	--------------	---	----	------	----	------	------

Тажрибаларимизнинг якуни бўйича *Indigofera tinctoria L* ўсимлигининг ён шохлари ҳосил бўлишини 2022 йилнинг 1,06; 15,06; 1,07; 15,07; 1,08; 15,08 санъаларида фенологик кузатувлар олиб борилиб маълумотлар тахлил қилинди. Жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, минерал ўғитлар қўлланилмаган 1-назорат вариантда ўсимликларнинг ён шохлари ҳосил бўлиши мутаносиб равишда ўртача 2,2; 5,2; 9,1; 12; 16,2; 19,1 донани ташкил қилди. Минерал ўғитлар N30; P60; K40 кг/га меъёрда қўлланилган 2-вариантда ён шохлар сони 3,2; 6,3; 11,2; 15,2; 19,3; 22,2 донани ташкил қилиб назорат вариантига нисбатан ён шохлар сони 1; 1,1; 2,1; 3,2; 3,1; 3,1 донага кўп бўлганилиги кузатилди. Минерал ўғитлар N60; P60; K40 кг/га меъёрда қўлланилган 3-вариантда ўсимлик ён шохлар сони, 4,4; 8; 14,3; 18,4; 23,2; 26,3 донани ташкил қилиб назорат вариантига нисбатан ён шохлар сони 2,2; 2,8; 5,2; 6,4; 7; 7,2 донага кўп бўлганилиги кузатилиб, варианtlар орасидаги бундай фарқларни ҳосил бўлишида қўлланилган минерал ўғитлар таъсирида эканлиги аниқланди. (1-жадвал)



2-расм. Минерал ўғитларни индигофера ўсимлигида ён шохларнинг ҳосил бўлишига таъсири, дона(2022й.)

2022 йилнинг 1,06; 15,06; 1,07; 15,07; 1,08; 15,08 санъаларида фенологик кузатувлар олиб борилганда минерал ўғитлар N90; P60; K40 кг/га меъёрда қўлланилган 4-вариантда ўсимликнинг ён шохлар сони 6; 11; 18,2; 23; 28,2; 31,2 донани ташкил қилиб назорат вариантига нисбатан 3,8; 5,8; 9,1; 11; 12; 12,1 донага қўп бўлганилиги кузатилди, минерал ўғитлар N30; P60; K40 кг/га меъёрда қўлланилган 2- вариантга нисбатан ён шохлар сони 2,8; 4,7; 7; 7,8; 8,9; 9 донага қўп бўлганилиги кузатилди ва минерал ўғитлар N90; P60; K40 кг/га меъёрда қўлланилган 4-вариантда ўсимликнинг ён шохлар сони минерал ўғитлар N60; P60; K40 кг/га меъёрда қўлланилган 3-вариантга нисбатан 1,6; 3; 3,9; 4,6; 5; 4,9 донани ташкил қилиб, варианtlар орасидаги бундай фарқларни ҳосил бўлишида қўлланилган минерал ўғитлар таъсирида эканлиги аниқланди.(2-расм)

**Хулоса.** *Indigofera tinctoria L* ўсимлигининг ён шохларининг қўп бўлиши ўсимликнинг биомасса ҳосилдорлигига таъсир қиласи, айниқса, ўсимликнинг бутун ўсув даврида ён шохлардан нозик ён шохчалар ўсиб чиқиб барг массасини ҳосил қиласи. Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ тумани дала майдонида олиб борилган тажрибалардан шуни хулоса қилиш мумкинки доривор ва бўёкли *Indigofera tinctoria L* ўсимликда ён шохларнинг ҳосил бўлиши минерал ўғитлар қўлланилмаган 1-назорат вариантида пастроқ кўрсаткичлар олинди. Энг юкори кўрсакичлар эса, минерал ўғитлар N90; P60; K40 кг/га меъёрда қўлланилган 4-вариантда кузатилиб, ўсимликнинг ён шохлар сони назорат ва бошқа варианtlарга нисбатан қўлланилган минерал ўғитлар таъсирида сезиларли даражада ўзгарганлиги аниқланди.

Бу эса доривор ва бўёкли *Indigofera tinctoria L* ўсимлигининг очиқ майдонларда яхши ўсиб ривожланиши учун минерал ўғитлар соф ҳолда N90; P60; K40 кг/га меъёрда қўлланилганда *Indigofera tinctoria L* ўсимлигининг ён шохларининг қўп бўлишига ҳамда ўсимликнинг биомасса ҳосилдорлигининг ошишиги таъсири етарлича асос бўла олади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966 сонли қарорининг 7 иловаси 23 бандида" Иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида ёввойи ҳолида тарқалган доривор ўсимликларни ҳимоя қилиш ва маданийлаштирилган доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш ҳамда уларнинг майдонларини

кенгайтириш"бўйича илмий-амалий лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида"ги ПҚ-2966 сонли қарори.- Тошкент, 2017

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4670-сонли қарори. Тошкент, 2020

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон "Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4901-сонли қарори. Тошкент, 2020

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги "Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-251-сонли қарори.-Тошкент, 2022

5. Аясов Хушбек Файбуллаевич, and Исройлов Бахтиёр Абдуллаевич. "ПРОРАСТАНИЕ СЕМЯН ИНДИГОФЕРА ЛЕКАРСТВЕННОГО И КРАСИЛЬНОГО" Life Sciences and Agriculture, no. 3-1, 2020, pp. 30-33.

6. Аясов, X. F. Прорастание семян Индигофера лекарственного и красильного / X. F. Аясов, Б. А. Исройлов // Life Sciences and Agriculture. - 2020. - № 3(7). - С. 30-33. - DOI 10.24411/2181-0761/2020-10121. - EDN EDUSON.

7. Аясов, Хушбек Гайбуллаевич. "Исройлов Бахтиёр Абдуллаевич МИНЕРАЛ УГИТЛАРНИНГ ДОРИВОР АРТИШОК (CYNARA SCOLYMUS L) ЎСИМЛИГИНИНГ УСИБ-РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ." Life Sciences and Agriculture 2 (2020).

8. Аясов Хушбек Файбуллаевич, and Исройлов Бахтиёр Абдуллаевич. "Минерал ўғитларнинг доривор артишок (Cynara scolymus l) ўсимлигининг ўсиб – ривожланишига таъсири" Life Sciences and Agriculture, no. 2-1, 2020, pp. 49-54.

9. Ёкубов.Ф.К."Деградацияга учраган тупроқларда Indigofera tinctoria L ўсимлигини етиштиришнинг агрономик ва биотехнологик хусусиятлари"//Дис... к.х.ф.номзоди. -Тошкент, 2012. - Б.48-51

10. J.O.Alagbe "Chemical evaluation of proximate, vitamin and amino acid profile of leaf, stem bark and root of indigofera tinctoria" European Journal of

Research Development and Sustainability (EJRDS) Available Online at:

<https://www.scholarzest.com> Vol. 1 No.1, September. India.2020-P.150

11. Доспехов Б. А. Методика полевого опыта. -М. Колос, 1973. -С. 330-336.

12. Нурматов Н. ва бошқалар. Даала тажрибалиари услубияти. Т.: 2007